

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ

9 май –“Хотира ва қадрлаш куни” мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Инсон **хотира** билан тирик, **қадр** билан улуғ. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Бинобарин, **хотира** бу – унутмаслик, деганидир. Соҳибқирон Амир Темур ҳам сўзини “Бизким...” дея ўз Ватанини, халқини, аждодларимиз ҳурматини бажо этиш билан бошлаган. Ўз навбатида, Мирзо Улуғбек ҳам, шоир **ва** саркарда Бобур ҳам, шоирлар султони Алишер Навоий ҳам аждодлар руҳига муносиб, буюк ишларнинг давомчиси бўлишга интиланлар.





Бугун тумандаги 5-умумтаълим мактаби раҳбарияти, ўқитувчилари ҳамда фаол ўқувчилари томонидан ҳозирда нафақада бўлган кексалик гаштини сураётган, неvara-чеваралар ардоғида тинч-тотув яшаб келаётган, умрини таълим-тарбияга бағишлаган бир гуруҳ ўқитувчилар ҳолидан хабар олинди.





Зеро **9 майни Хотира ва Қадрлаш** куни тарзида умумхалқ **байрами** сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсадлар ётибди.



